

(Суратда: 1988 йилнинг 20 декабри. Революция майдони. Советларнинг 70 йиллик ҳукумронлиги даврида Ўзбекистондаги биринчи митинг. Муҳаммад Солиҳ Тошкентнинг революцион ёшлари олдида нутқ сўзламоқда.)

Аввал хабар берганимиздек, Муҳаммад Солиҳ ва унинг кенжа укаси Мақсуд Бекжоннинг исми халқаро Интерпол ташкилотининг



суднинг мени оклаган қарорини Интерполга тақдим қилишди. У ерга шунингдек, менинг адвокатим Салима Қодированинг сўровномаси биноан 2006 йилда чиқарилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг қарорини ҳам юборишди Интерполга. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мени тўлиқ оклаган эди. Шу икки ҳужжатни адвокатлар орқали Интерполга бир ой аввал топширганмиз. Менинг номимнинг

“МУҲАММАД СОЛИҲ: “МЕН ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТСАМ, ФАҚАТ ҲУР ИНСОН СИФАТИДА ҚАЙТИШИМ МУМКИН!”

қидирувдаги кишилар рўйхатидан ўчирилгани тахмин қилинмоқда. Бу ҳақда “Би-Би-Си” журналистларига Муҳаммад Солиҳнинг ўзи хабар берган. Бу ҳақдаги унинг фикрини олиш учун, “Фарғона” ахборот агентлигининг бош муҳаррири Даниил Кислов сиёсатчининг ўзи билан боғланди.

– Жаноб Солиҳ, нималар бўлаётгани ҳақида батафсил айтиб берсангиз.

– Менинг исмим Интерпол қидирувидан ўчирилгани ҳақида ҳали ҳеч қандай расмий йўқ. Аммо менга айтишларича, менинг исмим бўлган саҳифада ҳозир ҳеч нарса йўқ. Биз текшириб кўрдик, атайлаб қидирдик ва ҳеч ким тополмади исмимизни. Франциядаги адвокатларимиздан илтимос қилдик ва улар расмий сўровнома билан Интерполга мурожаат қилишди ва биз ҳозир жавоб келишини кутаяпмиз. Бундан ташқари, шу кунгача ҳамма жойда мен ва укам Мақсуд Бекжоннинг осилиб турган суратларимиз бугун кўринмаётгани ҳақда Ўзбекистондан хабар олдик.

Лекин ўзбек ҳукумати ва Интерпол ташкилоти тарафидан бизга ҳали ҳеч қандай расмий билдириш келгани йўқ.

– Сиз ўзингизни Интерпол рўйхатидан охириги марта қачон текшириб кўрган эдингиз?

– Ўн беш-йигирма кунлар аввал кўрган эдик.

– Сизни қачон Интерпол қидирувига беришган? 90-йиллардами?

– Ҳа, 1999 йилги Тошкент портлашларидан сўнг, ўн саккиз ярим йил аввал...

– Ўзингиз бунга қандай баҳо берасиз – сиёсий мухолифатчиларга, рақибларга нисбатан ўзбек ҳукумати сиёсатидаги ўзгаришми ёки бошқа бир нарсами?

– Қанийди буни билсам! Менинг адвокатларим исмимни Интерпол рўйхатидан ўчирилиши ҳақида сўровнома билан мурожаат қилишганди. У ерга Прага судининг 2001 йилги қарорини илова қилиб, мурожаат этилди. Ўшанда мени ўзбек ҳукуматининг талаби билан Прагада маҳкамага тортишган эди. Адвокатлар менинг озод қилинишимга сабаб бўлган

рўйхатдан ўчирилиши сабаби бизнинг шу сўровномамиз бўлиши ҳам мумкин. Балки, ўзбек ҳукумати бу йил ҳақиқатдан ҳам рўйхатларга ўзгартириш киритишган бўлиши ҳам мумкин. Уларда сиёсий маҳбусларга нисбатан юмшаш кузатилаёпти, мана менинг укам Муҳаммад Бекжон озодликка чиқди. Укам Мақсудга эса Хоразм вилояти милициясидан қўнғироқ қилиб, Ватанига қайтиши мумкинлиги, ундан барча айблар олиб ташланганлиги ҳақида айтишди. Аммо мен ҳақимда расман ҳали бундай баёнот бўлгани йўқ.

– Ва сизга ўзбек расмийларидан ҳеч ким ҳали қайтиш таклифи билан мурожаат қилмади?

– Йўқ, бундай таклиф бўлгани йўқ. Бироқ шуни айтишим мумкин-ки, уч ҳафтalar аввал мени реабилитация қилишларини, барча конституцион ҳуқуқларимнинг қайтарилишини ва Тошкентдаги портлашларни ташкиллаштиришда айбланиб 1999 йилда менга нисбатан чиқарилган суд қарорини бекор қилинишини талаб қилиб талабнома юборгандим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу президентнинг виртуал қабулхонасига интернет орқали қилган расмий мурожаатим эди. Мен буни жамоатчиликка эълон қилганим йўқ ва бу мурожаат ҳақда илк бор сизга айтаяпман. Шу хатнинг жавобини кутаяпман. Виртуал қабулхона сайтида “сизнинг мактубингиз кўриб чиқиш босқичида”, деб ёзилган. Яъни, улар мени реабилитация қилишларини кутаяпман ва шунга умид қилаяпман. Барча ҳуқуқларимни ва нақонуний олиб кўйилган мол-мулким – уйим, квартирамни қайтаришларини кутаяпман.

Мен буларни талаб қилаяпман. Хатимда бунинг бир илтимос эмас, балки ҳақ-ҳуқуқларимнинг тиклаш талаби эканлигини ёздим. Мен амнистия истамаяпман, чунки менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Мен реабилитация қилинишимни талаб қилаяпман. Шундай мактуб жўнатдим ва расмий жавобни кутаяпман. Жавоб келгани захоти муҳим бир баёнот бераман. Шундан кейингина хулоса қилиш мумкин бўлади, жорий ҳукумат ҳақиқатдан ҳам ислохот йўлидан кетаяптими ёки бу кенг миқёсдаги бир популизмми.

Яъни менинг мактубим – бу қандай бир ҳукумат эканлигини тест қиувчи бир лакмус қоғозидир. Қолган барча ҳаракатлар – менинг укам ва бошқаларни озод қилиниши ва ҳақозо, булар вақтинчалик либерал ўйинлар бўлиши мумкин. Аммо мен яхшилик умид қилаяпман. Бу ҳаракатлар ҳақиқатдан ҳам сиёсий ислохотларнинг бошланиши бўлиши ҳам мумкин.

Хуллас, менинг шахсимга, ҳаракатимизга, муҳолифатга бўлган муносабат моҳиятини менинг мактубимга берилган жавоб белгилайди. Мен ҳеч қандай баёнот бермасдан, барча Ўзбекистон граждани каби, миллионлаб инсонлардан бири ўларок бу хатни юбордим. Хатни юборишда ҳеч қандай махсус каналларни қўлланмадим. Ҳамма қатори, виртуал қабулхонага мактуб жўнатдим ва ҳамма қатори жавоб кутаяпман. Умид қиламанки жавоб ижобий бўлади, салбий бўлиши учун уларда ҳеч қандай асос йўқ. Агар Мирзиёевнинг Каримов ҳукуматини ислох қилиш нияти жиддий бўлса, жавоб ижобий бўлиши лозим.

– Ўзингизни мадеб ҳисоблайсиз, сизга нисбатан сиртдан қўйилган айблар бу шахсан Каримовнинг қарори эдими? Ёки, масалан, бу Иноятовнинг шахсий қарори эдими?

– Бу шахсан Каримовнинг қарори эди, табиий, Иноятовнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови билан олинган қарор. Иноятов бу ишни ўзининг қатағон усулларини оқлаш учун ташкил қилди. У Каримовни доимий кўрқувда тутиш учун жуда кўп “меҳнат” қилди. Иноятов Каримовга муҳолифатни аслидан кўра тажовузкоррок, хавфли ва радикалроқ кўрсата олди. Муҳолифат... Ахир, биз режимга қарши қўлимизда қурол билан жанг қилганимиз йўқ-ку!

Мана, партизанлар, мужоҳидлар қурол билан курашди. Бизда ҳеч қачон қурол бўлмаган, ҳеч қачон! Шунга қарамай, Иноятов Каримовни кўрқитиб келди (мен бу ҳақда ўз манбаларим орқали аниқ биламан), “ана, Қирғизистон орқали Солиҳ кириб келишга тайёрланаяпти”, деб. Тоҳир Йўлдошевдан кўрқинмаган, улар Солиҳдан кўрқишган. “Мана Солиҳ Тожикистон орқали, Қирғизистон орқали ҳужумга ҳозирланаяпти... Ана, жангарилар Афғонистонда, Қозғонистонда!..”. Иноятов буларнинг ҳаммасини тўкиб чиқарди ва бу баҳона билан ўн, юз миллионлаб доллар олган. Каримов албатта бир маняк ҳар қандай диктатор каби, у пулни аямади, гўё “мамлакат тинчлиги учун катта маблағ ажратди”. У ухламаган, ухласа тушига жонажон Ўзбекистонга Солиҳ бостириб келаётгани кириб чиққан. Бу паранояда ўзига империя қурган Иноятовнинг роли катта бўлди. У бугун Ўзбекистон миллиардерларидан бири ва бу пулларини Солиҳнинг исми ортидан ишлаб топган. Буни мен камтарлик қилмасдан таъкидлашим мумкин.

У Солиҳ номи билан кўрқитиб келган: “Мана Солиҳ Истанбулда ким биландур ўтирибди ва чой ичаяпти” ва ҳақозо. Лекин мен ўйлайман-ки, Мирзиёев ақлли киши, у буларнинг ҳаммасини кўрди. Ахир у ерда 12-13 йил бош вазир бўлиб ишлаган. Ва у кўрган буларнинг ҳаммаси ёлғон эканлигини, менга сохта айблар қўйишганини у билади. Агар унинг Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш борасидаги интилишлари самимий бўлса, албатта у буларни

халққа ошкор қилиши ва бунинг хато бўлганлигини айтиши ва бизнинг топталган конституциявий ҳуқуқларимизни тиклаб, Ватанга қайтишимиз учун йўлларни очиши керак.

– Бундай кейинги қадам қандай бўлади? Агарда у муҳолифат учун Ватанга йўл очса, у ҳолда сиз ундан сиёсий курашларга рухсат беришини, муҳолифат партияларни қонунуллаштиришини талаб қиласизми?

– Биласизми, мен ҳеч кимдан ёрдам истамаяпман. Улардан қандайдир мавҳум ҳуқуқларни сўраётганим йўқ. Мен улардан Конституцияда ёзиб қўйилган, ўзбек халқи қабул қилган ҳуқуқларимни талаб қилаяпман. Мен Аллоҳ тарафидан берилган инсоний ва Конституцияни қабул қилган халқ тарафидан берилган шахсий ҳуқуқларимни талаб этаяпман. Бошқа ҳеч нарса сўрамайман! Албатта, ватанда мен истаган нарсам билан шуғулланаман. Аммо агар Ўзбекистонга қайтсам, фақат мутлақ эркин инсон сифатида қайтишим мумкин. Эркимга раҳна соладиган заррача тўсиқ бўлса, мен у ерга бормайман. Каримовга қарши 30 йил курашганим каби яна курашда давом этаман. Ва бу масалада ҳеч қандай чекиниш бўлмайди.

Улар қуролли жанглари бошланади деб кўрқинмадимми? Йўқ. Агарда мен қуролли кўзғолон, қуролли кураш тарафдори бўлганимда аллақачон у тарафга ўтган бўлар эдим. Менда бунинг учун доим имкониятлар бўлган. Аммо мен буни қилганим йўқ, чунки бу менинг кураш йўлим эмас. Яъни Ўзбекистонга қайтсам, фақат хур инсон сифатида қайтишим мумкин. Мен ҳаммаша озод бир шахс эдим, ҳатто Совет даврида ҳам: ҳар доим истаган нарсамни ёзганман, истамаган нарсамни эса ҳеч қачон ёзмаганман.

Қайтсам, шу шаклимда қайтаман. Ёки ҳеч қачон қайтмайман. Қул сифатида, ярим қул сифатида ва ярим эркин одам сифатида ҳам Ўзбекистонга қайтмайман. Ўзбекистонга озод, тўла озод инсон сифатида қайтишни орзу этмақдаман.

– Сизга катта раҳмат.

*Манба: “Фарғона” ахборот агентлиги
Русчадан ЎХХ таҳририяти таржимаси*

Шу йилнинг 2 сентябр куни Қирғизистон махсус хизматлари, бизнинг тахминимизга кўра Ўзбекистон президентининг Бишкекка ташрифи чоғида унга нисбатан суиқасд уюштиришга уринган кўпоровчини қўлга олган. Гарчи, расмий Қирғизистон, қўлга олинган шахсни “ИШИДнинг фаол аъзоси” деб атаб, бу ҳақдаги хабарни жуда ҳам дипломатик тарзда эълон қилди.

7 сентябр куни, Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг матбуот хизмати, 2 сентябрда халқаро террор ташкилоти бўлган “Ислон давлати”нинг фаол аъзоси қўлга олинганлиги ва унинг 1988 йилда туғилган Д.С. исмли Қирғизистон фуқароси эканлиги аниқланганлиги ҳақида хабар берди. Шунингдек, жинойий режага кўра, Д.С. давлат миқёсидаги тадбир ўтказилиши жараёнида террор-кўпоровчилик актини амалга ошириши керак бўлганлиги ҳам аниқланган (<http://svodka.akipress.org/news:1403459?from=portal&place=last>).

Бизнинг тахминимизга кўра, қўлга олинган Д.С. ИШИДчи эмас, балки маҳаллий мафиядан бўлган оддий кўпоровчи. У ва унинг шериклари Ўзбекистон президентининг бироз аввал Бишкекка қилган ташрифи давомида, унга нисбатан суиқасд уюштиришни режалаштиришган. Шундай қилиб...

Тошкент “контора”сининг буюртмаси

Сентябр ойидаги Қирғизистонга ташриф чоғида президент Мирзиёевга суиқасд уюштириш режаси шу йилнинг август ойининг иккинчи ярмида ишлаб чиқилган. 20 дан 22 августга қадар биз Тошкент ва Бишкекдаги турли манбалардан, Ўзбекистон Миллий хавфсизлиги хизмати генераллари “Мирзиёевни Бишкекда баргараф қилиш” ниятида эканликлари ҳақида тўртта бир хил хабар олдик. Ушбу маълумотларга кўра, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати республика бўлими бошқармаси раҳбарларидан бири ўзининг Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитасидан бўлган ҳамкасбига ушбу суиқасдни амалга ошириш учун икки миллион доллар берган.

“Хурматли муаллифлар! Шошилиш хабар берамизки, ўзбек чекистлари Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси



Усмон Ҳақназаров: Ўзбекистон президентига қарши режалаштирилган Бишкек суиқасдининг муваффақиятсизликка учрагани ҳақида

раисининг ўринбосарларидан бирига Сентябрь ойидаги Қирғизистонга ташриф чоғида президент Мирзиёевга суиқасд уюштириш учун икки миллион доллар нақд пул беришган”, деб ёзди 20 август куни Тошкентдаги манбаларимиздан бири.

Эртаси куни худди шундай шошилиш хабар Тошкентдаги бошқа одамдан ҳам келди.

Ва 21 август куни Тошкентдан келаётган хабарларнинг ҳақиқийлигини текшириб кўриш учун, биз Бишкекдаги ўз каналларимиз билан алоқага чиқишга мажбур бўлдик. Ва 22 август куни Бишкекдаги маълумот етказиб берувчи одам бизга шундай жавоб ёзди: “Афсуски, през. Ш.М. га нисбатан Бишкекда суиқасдга тайёргарлик ҳақидаги гумонингиз тасдиқланди. Сизга шу ҳақда хабар берамизки, МХХнинг ишончли вакили (Ўзбекистон МХХ бошқармаси раҳбарларидан бири) МХДҚ раиси ўринбосариевга президентга суиқасд уюштириш учун икки миллион АҚШ доллари берган. ...ев (исм ва фамилияларни ваколатли шахсларга маълум қилишимиз мумкин) ушбу вазифани бажариши лозим бўлган, чет эл ва маҳаллий мафия аъзоларидан ташкил топган гуруҳни тайёрлашни бошлаб юборган.”

22 август куни Тошкентлик учинчи манба биздан президент Шавкат Мирзиёевнинг хавфсизлик хизматини тайёрланаётган хавф ҳақида огоҳлантиришимизни сўради. “Сиздан шошилиш тарзда

Мирзиёевкиунинг кўриқчиларини, МХХ ходимлари томонидан Мирзиёевга қарши Бишкекда режалаштирилаётган суиқасд ҳақида огоҳлантиришингизни сўраймиз”.

23 дан 30 августга қадар яқинлашиб келаётган хавфдан огоҳлантириш мақсадида, Шавкат Мирзиёевнинг яқин атрофидагилар билан боғланиш учун йўл қидиришни бошладик. Шундай қилиб...

“Сарой” атрофидагиларнинг сиёсий қўрқоқ ва хасадгўйликлари ҳақида

Одамларимизнинг бир ҳафталик уринишлари муваффақиятсиз тугади. Чунки Мирзиёевнинг энг яқин атрофидаги одамларининг танишлари Ўзбекистон президенти яқинлари ва қариндошларига ушбу маълумотни етказишдан бош тортишди. Кимдир бизнинг маълумотимизнинг ҳақиқийлигига ишонмади, бошқа бири эса ниятимизнинг самимийлигига ишонмади.

Президент атрофидагиларга яқин бўлган шундай каналларимиздан бири риторик равишда одамимизга: “Балки Сизлар ўзларингизнинг гўёки “сенсация”ларингиз билан Шавкат Миромоновичга ёқиб, унга яқинлашиб олишни хоҳлаётгандирсизлар?”, деди.

“Яқинлар”нинг бошқа категорияси эса “сарой”га хавфли маълумот билан киришга шунчаки қўрқишди. “Мен у ерга бунақа шум хабар билан киришни ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

президентнинг қариндошлари билан алоқамни йўқотишни истамайман!”, дея очик баён қилди “сарой”га яқин бўлган шундай одамлардан бири.

Шундан сўнг биз Бишкекда ҳозирланаётган суиқасд ҳақида огоҳлантириш мақоласини ЎХХ сайтида эълон қилишга қарор қилдик. Аммо бу қароримиз Тошкент ва Бишкекдаги манбаларимиз томонидан қўллаб-қувватланмади, чунки улар огоҳлантириш мақоласи ўзбек чекистларини режалаштирилаётган суиқасдга ўзгартириш киритишга ёки умуман тўхтатиб туришга мажбур қилиши мумкин деб ҳисоблашди.

Бишкекдаги манбаларимиз бизни, албатта қирғиз чекисти устидан назоратни ташкил қилиб, ўзбек буюртмаси ижрочилари изини топишларига ишонтиришди. “Бу буюртмани баргараф қилишнинг энг тўғри йўли”, деб ёзишди улар. Шундай қилиб...

Нега айнан Бишкек?

Мирзиёев душманлари ўз режаларини Ўзбекистонда ҳам амалга оширишлари мумкин эди. Аммо суиқасдни мамлакат ичида амалга оширилиши, республикадаги ички сиёсий вазиятни издан чиқариб, жиноят изларини ўзбек “контора”сига олиб келган бўлар эди.

Режалаштирилган суиқасдни амалга ошириш жойи сифатида

Шу йилнинг 8 сентябр куни Қирғизистон Республикаси ҳукумати мамлакат ҳудудида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) сайтига киришни блоклаб қўйди. Бу ҳақда интернет саҳифанинг Қирғизистон ҳудудида яшовчи доимий ўқувчилари хабар берди.

Бизнинг таҳминимизга кўра, ЎХХ сайтида 2017 йилнинг 8 сентябрида эълон қилинган аноним муаллиф Усмон Ҳақназаровнинг “Ўзбекистон президентига қарши режалаштирилган Бишкек суиқастининг муваффақиятсизликка учрагани ҳақида” номли мақоласи

Бишкекнинг танланиши сабаби шу эдики, бу ерда Ўзбекистон Миллий хавфсиз хизмати кенг агентлик тармоғига, ҳамда Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик давлат кўмитасининг баъзи раҳбарлари билан ҳамкорликдаги наркобизнесга эга эдилар.

Қирғиз МХДҚ раиси ўринбосарларидан бири Шухрат Гуломов ва унинг раҳбарининг наркобизнес бўйича шериги эди. Контрразведка ходими бўлган бу ўринбосар Қирғизистонда фақатгина наркобизнес билан танилибгина қолмай, балки қирғиз мухолифат аъзоларига қарши бир неча муваффақиятсиз провокациялари билан ҳам барчага маълум. Шунга қарамай, Қирғизистон Президенти Олмосбек Отамбоев унинг жиноятларига эътибор қаратмай келмоқда.

Қирғизистон Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ёмон ниятлари учун, мамлакат махсус хизматлари катта бўлмаган миқдордаги пул эвазига бюртма қотилликлар бўйича катта тажрибага эгаликлари тарафидан ҳам қулай эди.

Шу йўл билан, 1992 йилда Қирғизистон Бош вазири Насриддин Исанов, шубҳали Канада компанияси билан йирик олтин конини ишлаб чиқариш борасидаги шартномани имзолашдан бош тортгани учун, гўёки “автохалокат”да ўлдирилган эди. Ҳалокат жойига етиб келган фелдшер, кейинчалик

Бош вазир Исанов автохалокатда жароҳатланмаганлиги, аксинча МХДҚ ходимлари томонидан шифохонада ўлдирилганлиги ҳақида гувоҳлик берган.

1996 йилда худди шундай ҳолатда МХДҚ раиси Бакаев ҳалок бўлди. Бундан кейинги йилларда эса қирғиз махсус хизматлари депутатлар, Байман ва Худойбергановлар ўлимини уюштиришди.

Худойберганов президент Олмосбек Отамбоевнинг шахсий тан соқчиси – “водолаз” лақабли жиноятчи Эркин Мамбеталиев томонидан ўлдирилган. Ушбу қотилликни амалга оширишда шунингдек, Олмосбек Отамбоевнинг шахсий хайдовчиси бўлган, ҳозирда эса Қирғизистоннинг Истанбулдаги консули бўлиб ишлаётган Илмияминов ҳам иштирок этган. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Бишкек суиқастининг муваффақиятсизликка учраши, Мирзиёев душманлари ва ислохотлари саботажчиларининг ақлини йиғиб, тўхташларини англамайди. Улар йўқотилган ўринларини қайтариш учун охиригача курашишади. Бунинг учун уларда катта миқдордаги пул маблағлари ҳам, ҳамкорлари ҳам ва яқин чет мамлакатларда қотиллари ҳам мавжуд.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сийсатшунос
08.09.2017



Қирғизистон ҳукумати ЎХХ сайтини блоклаб қўйди

сайтнинг блок қўйилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Мақолада муаллиф, Ўзбекистон махсус хизматларининг баъзи мансабдор шахслари ўзларининг

баъзи қирғиз ҳамкасблари билан шерикликда, яқинда Бишкекка қилган сафари чоғида президент Мирзиёевга суиқасд уюштиришни режалаштиришгани ҳақида ёзган эди.

Шунингдек Усмон Ҳақназаров ўз мақоласида, муваффақиятсизликка учраган суиқасдга махфий тайёргарлик кўришда иштирок этган ўзбек Миллий хавфсизлик хизмати ва қирғиз Миллий хавфсизлик давлат кўмитаси мансабдор шахсларининг исм ва шарифларини билишини таъкидлаган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Human Rights Watch ҳайъати журналист Муҳаммад Бекжонни зиёрат қилиш учун Хоразмга келди

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги ислохотлари ва халқаро ташкилотларга мамлакат эшикларини қайта очиши натижасида, Human Rights Watch (HRW) ташкилотининг Тошкентда ваколатхонаси очилиши ва унинг вакиллари мамлакатга киритилиши ҳақида Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Брюсселда ўтган “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгаши матбуот анжуманида маълум қилган эди.

Human Rights Watchнинг Тошкентдаги ваколатхонаси илк бор 1996 йилда очилган ва шундан сўнг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини кузатиб, таҳлил қилиб борган.

2005 йил Андижон воқеаларидан кейин расмий Тошкент бу ташкилот фаолиятига ўта тоқатсиз бўлди ва ташкилотнинг икки вакили Олег Воронцов ва Стив Свёрдловга акредитация бермади.

2010 йилнинг декабр ойида эса Адлия вазирлиги ваколатхонани ёпиш тўғрисидаги ариза билан Олий судга мурожаат қилди. 2011 йилнинг 9 июлида Олий суд HRW ташкилотининг Тошкентдаги идорасини тугатиш ҳақида қарор

қабул қилганди.

Бир неча йил ўтиб Ўзбекистонга таклиф қилинган халқаро HRW ташкилоти ҳайъат аъзолари 2 сентябр куни Тошкентга келди. Бу ерда делегация 7 сентябр куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов билан учрашди.

Тошкент расмийлари билан ўтказилган учрашувлардан сўнг ташкилот ҳайъати Стив Свёрдлов бошчилигида дунёда энг узоқ вақт қамоқхонада қолган журналист Муҳаммад Бекжонни зиёрат қилиш учун Хоразмга ташриф буюрди.

Уларни Урганч аэропортида ака-ука Комил ва Муҳаммад Бекжонлар кутиб олишди. Меҳмонлар Бекжонлар оиласини зиёрат қилишдан аввал, бугун улар билан биргаликда Хива шаҳрини кезишди.

– Хивани кўрмаганимга 40 йил бўлган эди. Меҳмонлар баҳонасида биргаликда у ерни тамоша қилдик, дейди Муҳаммад Бекжон.

Ҳозирда 18,5 йил умрини Ўзбекистон қамоқхоналарида ўтказган таниқли журналист Муҳаммад Бекжон тутқунликдаги ҳаётига бағишланган “Алвидо, “Жаслик!” номли китобни ёзмокда.

ЎХХ хабарлар бўлими

Яхши ният ярим мол

(Мирзиёев марказдан бошқарув тизимини тугатмоқчи)

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Президент Шавкат Мирзиёев ижроия бошқарув идораларини ислоҳ қилишга киришган. Президент маъмурий ислохотларни амалга ошириш натижасида марказий бошқарув тизимини йўқотиш эвазига уни оптимиллаштирмоқчи.

Шу билан бирга давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиб, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият шаффоғлигини оширмоқчи.

Президент 8 сентябр куни “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармон”ни имзолади.

Унга кўра, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилинади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптимиллаштирилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини оширилади.

Мирзиёев ўз чиқишларида маҳаллий ҳокимларни сайлашни йўлга қўйиш борасида бир неча маротаба гапирган.

Фармон матнидан шу вақтга тепадан бошқаришга асосланган маҳаллий ҳокимият тизимларини мустақил равишда бошқарувини йўлга қўйилишини англаш мумкин.

Шунингдек, айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш ҳам назарда тутилган. Ушбу ҳолат маҳаллий ҳокимиятларга марказдан бошқаришда энгилликлар берилгани билан уларни назорат қилиш жамоатчилик назоратига ўтиши мумкинлигини билдиради.

Бундан ташқари иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларинини жорий қилиш ҳам назарда тутилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИНОЯТОВЧИЛАР МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСЛАРИГА ҚАРШИ САБОТАЖДАН ШАНТАЖ ҚИЛИШГА ЎТИШДИ

Шу йилнинг сентябр ойи бошида “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” миллий авиакомпания фаолияти билан боғлиқ, бир қарашда эътиборга лойиқ бўлмаган икки ҳодиса юз берди.

4 сентябр куни ўзбек авиакомпаниясига тегишли бўлган ва НУ534 рейси билан Бангкокдан Тошкентга учган “Боинг-767-400” самолёти, техник носозликлар туфайли Бангкок аэропортига қайтишга мажбур бўлган. 8 сентябр куни худди шундай “техник носозликлар”, энди НУ766 рейси билан Олмаотадан Тошкентга учган “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га тегишли А320 самолётида ҳам аниқланган.

Иккала ҳолатда ҳам самолётларда ҳеч қандай техник носозликлар бўлмаган: ҳодисалар сунъий равишда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов ва “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” Миллий авиакомпаниясининг ўрта бўлимларида ишлашда давом этаётган унинг қўл остидагилари буйруғи билан ташкил қилинган.

Фитначиларнинг асосий мақсадлари, миллий авиакомпанияни ҳорижий мамлакатлар олдида обрўсизлантириш ва август ойи охирида Иноятовнинг одами бўлган Валерий Тяни ўзбек ҳаво йўллари раҳбарлиги лавозимидан олган президент Шавкат Мирзиёевга қарши билвосита шантаж уюштириш бўлган. Шундай қилиб...

Иноятовнинг арзномаси ва ишораси

В.Тян ўз лавозимидан бўшатиш куни, ўзбек махсус хизматлари раиси Президент Мирзиёевга “бундай шафқатсиз қарор қабул қилмаслик” илтимоси билан кўнғироқ қилган. Иноятов суҳбат давомида, “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” унинг шахсий бизнеси эканлиги ва миллий авиакомпанияга катта сармоя киритганлиги ҳақида очик гапирган.

“Компаниянинг барча моддий-техник таъминоти, авиаёқилгидан бошлаб самолётлар эҳтиёт қисмларигача бизнинг фирмаларимиз қўлида. Менинг

чекистларим компаниядаги қатъий интизомни назорат қилишади, шу сабабдан бизнинг самолётларимиз ва учувчиларимиз ҳеч қачон мижозларга панд беришмаган. Агарда сиз Тяни ишдан олсангиз “Ҳаво йўллари”даги яхши йўлга қўйилган тизим ишдан чиқади”, деган Иноятов Мирзиёевга, Тяни бўшатиш фикридан қайтариш ниятида.

Аммо Шавкат Мирзиёев ўз қарорини ўзгартирмади. Шундан сўнг Иноятов: “Агарда бундан кейин “Ҳаво Йўллари” самолётлари бузилишни ёки портлашни бошласа, у ҳолда жавоби янги кадрлардан сўралади”, деган.

Ва ушбу суҳбатдан бир ҳафта ўтиб, ўзбек ҳаво йўлларининг Бангкок ва Олмаотодаги самолётларида “носозликлар” аниқланди.

Бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистондаги ўзининг энг даромадли бизнеси – “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” компанияси учун куйиб-пишаётган, ўзбек махсус хизматлари раисининг шантаж қилишга уруниши эди.

Такидлаш жоизки, ўзбек ҳаво йўлларига Арслон Рўзметов ўрнига 2002 йилда “контора” одами бўлган Валерий Тян раҳбар қилиб тайинлангач, Рустам Иноятов ва унинг қўли остидаги “тадбиркорлар” авиакомпания даромадига ёпишиб олишди. Улар, компаниянинг хўжалик фаолиятига тегишли барча тендерларни монополлаштириб олишди: хизмат кўрсатиш, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва ҳоказолар.

Рустам Иноятов, Валерий Тян ва бошқа “конторачи”ларнинг очкўзлиги натижасида ўзбек ҳаво йўллари ҳорижий самолётларнинг Ўзбекистон аэропортларида қўниши, учиши ва туриш жойи учун нақд пул билан тўловни амалга оширишни йўлга қўйди, бундай ҳолат жаҳоннинг бошқа ҳеч бир мамлакатада аввал ҳам бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ.

Шу тариқа, ўзбек аэропортларида самолётларининг бир кун туриши учун ҳорижий авиакомпаниялар 2000 доллар миқдоридан нақд пул тўлашга мажбур эдилар. Бундан ташқари, улар ёқилғини ҳам ўзбек ҳаво йўлларидан нақд валюта

(доллар ёки евро) эвазига сотиб олишлари лозим эди.

Бу шартлар шахсий самолётлар учун айниқса чидаб бўлмайдиган даражада эди. Улар ўзбек аэропортига кўнғач мажбурий тарзда, арзонроқ туриш жойи учун Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри аэропортига учиб кетишар эди. Сўнгра қайтиб кетиш куни яна Тошкент аэропортига учиб келишарди.

Ҳар сафар Ўзбекистон Руспубликасига келганда “контора” тарафдан нақд тўлов қилишга мажбурланган Ўзбек-рус олигархи Алишер Усмоновнинг шахсий самолёти учувчилари ҳам шундай йўл тутишар эди.

Барча нақд тушумлар ўзбек махсус хизматлари раисининг ўғли, Шариф Иноятовнинг чўнтагига кетар эди. “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” кассасига эса Иноятовнинг турли фирмаларидан, давлат курси бўйича ўзбек сўмида маблағлар ўтказилади.

Иноятовчиларнинг “Ўзбек Ҳаво Йўллари” тизимидаги даромадининг асосий манбаларидан бири маҳсулотларини ўзбек аэропортлари орқали ноқонуний (божхона тўловларини амалга оширмасдан) йўл билан олиб кириш ва олиб чиқиш бўлган. Шу йўл билан Иноятовнинг бизнес-империяси ҳар йили юзлаб миллион доллар пулб топган.

“Қолдиқлар” билан қаноатланган, ўзбек ҳаво йўлларининг собиқ раҳбари Валерий Тян ҳам кам пул топмаган. Ўзбек аэропортлари ҳудудида жойлашган автомобил туриш жойлари, хизмат кўрсатиш пунктларидан тушган барча даромадлар Тяннинг шахсий чўнтагига тушган. Ўзбек аэропортлари ҳудудидаги дўкон ва кафелардан тушадиган ижара тўловлари ҳам нақд пул кўринишида Тяннинг шахсий чўнтагига тушган.

Тяннинг ташаббуси билан “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”да учувчи, сюрдесса ва ўзбек ҳаво йўллари тузилмасига олинмаган бошқа ходимларни ишга олиш бўйича коррупцион ва ахлоқсиз усуллар ташкил қилинган эди. Шу

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тариқа, стюардессаларни ишга олишда, пул ёки танаси билан тўловни амалга ошира оладиган номзодларга имтиёзлар берила бошлади.

Валерий Тянь “Ўзбекистон Ҳаво Йўлларини” корейс маҳсулотларини Ўзбекистонга олиб кириш ва ўзбек маҳсулотларини Жанубий Кореяга олиб чиқиш бўйича ноқонуний каналга айлантириб олди. Бу ерда гап фақатгина ҳаво орқали юк ташиш ҳақида кетмаепти. Биз аввало Ўзбекистондан Жанубий Кореяга Тяннинг тадбиркорлари тарафидан жуда катта миқдорда нақд ҳорижий валютанинг олиб чиқиб кетилишини назарда тутаяпмиз.

Шахсан Валерий Тяннинг ташаббуси билан, “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”нинг маҳаллий ва халқаро йўналишларига учувчи ва стюардессаларни ишга олишда имтиёзлар ўзбек миллатига мансуб бўлмаган номзодларга берилар эди. Шу сабабдан ўзбек миллатига мансуб бўлган кўплаб юқори малакали учувчи ва стюардессалар қозоқ ва рус ҳаво йўлларига ишлашга кетишга мажбур бўлишарди.

Рустам Иноятов оиласи томонидан 15 йил давомида ўғирланиб келиши натижасида, даромад келтирувчи давлат компанияси, мамлакат учун коррупция, ахлоқсизлик ва зарар ўчоқларидан бирига айланди.

Шунга қарамай, “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”даги ўзининг оилавий бизнес-позициялари учун саботаж ва ҳатто шантаж йўли билан қурашаётган ўзбек махсус хизматлари раиси бундан уялмайди ҳам.

Саботаж ва шантаж йўли билан Рустам Иноятов фақатгина ўзбек ҳаво йўллари учун эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам қураш олиб бормоқда... Шундай қилиб...

Раматов ва Бобожоновларга нисбатан Иноятов таҳдидлари

Шу йилнинг август ойи охирида Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очил Раматов Тошкентда ҳашаматли уйлар қуриш учун бир неча гектар ерни Қорақалпоқ компанияларидан бирига бериш ҳақидаги қарорни имзолаган эди.

Икки кундан сўнг унинг хонасида Рустам Иноятовнинг ёқимтойи ва

югурдак тадбиркори Сакен Пўлатов шахсан келади. У Раматовга, ерларни “қишлоқ компанияси ва номаълум тадбиркор”га бергани учун ғазабланади. “Тошкентда фақатгина “Golden House”(Сакен Пўлатовнинг компанияси – У.Х.) ва “Murad Buildings” (Рустам Иноятовнинг жиянининг компанияси – У.Х.) қуриши керак. Сиз эса пойтахтни қуришни Нукуслик қанақадир номаълум тадбиркорларга бераёпсиз!”, дея хафа бўлган С.Пўлатов Очилбой Раматов хонасида.

С.Пўлатовнинг тарбиясиз гапларидан жаҳли чиқган Бош вазир ўринбосари, Иноятовнинг миллиардерини ҳайдаб юборган ва унга қурилиш бизнесидан чиқиб кетишни тавсия қилган.

Шу куннинг ўзида Сакен Пўлатов О.Раматов билан бўлиб ўтган суҳбат натижалари ҳақида Рустам Иноятовга хабар берган. Ғазабланган ўзбек махсус хизматларининг раҳбари дарров Раматовга қўнғироқ қилган ва унинг “доғ”ларини фош қилиш билан таҳдид қилган.

“Сан нима? Қутуриб кетдингми? Агарда Сакенга бўйсунмасанг, мен ўзим шахсан сенинг пулли ишларининг фош қилиш билан шуғулланаман!”, деган Ўзбекистон МХХ раиси О.Раматовга. Шундан сўнг Бош вазир ўринбосари Иноятовнинг югурдаги Сакен Пўлатов билан яна юмшоқ муомала қилишни бошлаган.

Сентябр ойининг бошида Рустам Иноятов яна бир ўзининг одами ва ёқимтойи, собиқ МХХчи, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида кадрлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлайдиган – Алишер Шойимовни ҳимоя қилди. Ички ишлар вазирлиги лавозимига, бунгача Хоразм вилояти ҳокими сифатида ишлаган Пўлат Бобожонов тайинлангандан сўнг, “контора” раҳбари ўз одамларининг вазирликни “чекист” элементларидан тозалаш натижасида ишдан олинишидан хавотирлана бошлади.

“Сизларда кадрлар бўлими бошлиғи лавозимида менинг шоғирдим Алишер Шойимов ишлайди. Мен сизнинг у билан биргаликда ишлашингизни, уни бўшатмаслигингизни истайман”, деган Р.Иноятов Ички ишлар вазирига.

Пўлат Бобожонов ўзбек махсус хизматлари раҳбарига ҳеч нарса

ҳақида сўз бермаган. У фақатгина, ҳаммаси Алишер Шойимовнинг ишлашига боғлиқлигини айтган, ҳамда Иноятов ва унинг одамлари кўрсатган йўлдан юриш нияти йўқлигини билдириб қўйган.

Шундан сўнг “контора” Рустам Иноятовнинг буйруғи билан, шу йилнинг 5 сентябр куни Тошкент шаҳри марказида “Спарк” автомобили ўғрисига қарата ўт очиш”ни ташкил қилишди. Янги Ички ишлар вазирини обрўсизлантириш мақсадида “контора”чи милиционерлар Алишер Шойимов бошчилигида барча постлар ва путрул хизмати автомобилларига “фақат куч ишлатиш ва автомобил кузовига ўт очиш йўли билан ўғрилари кўлга олиш” ҳақида буйруқ беришган.

Ушбқ ўғирликнинг “контора”лик ташкилотчилари, хоразмликлар, шу жумладан Пўлат Бобожонов ҳақида салбий фикр уйғотиш учун бу ишга бир Хоразмликни ҳам жалб қилишди.

Ушбу ҳодиса ташкилотчиларининг асосий мақсади, янги Ўзбекистон Ички ишлар вазирини огоҳлантириш ва шантаж қилиш, ҳамда умуман ички ишлар органлари ишини обрўсизлантириш бўлган. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Биз, МХХ раиси Рустам Иноятовнинг ўз бизнеси, югурдак тадбиркорлари ва турли давлат тузилмаларидаги кадрлари атрофида парвона бўлаётгани ҳақида бир неча мисолларни келтирдик. Соботаж, шантаж ва таҳдид йўли билан у нафақат ўз позицияларини сақлаб қолмоқчи, балки президентнинг янги кадрларини ҳам ўзига бўйсундирмоқчи.

Шунингдек, янги ўзбек ҳукумати аъзоларининг у ёки бу ҳаракатлари ҳақида бир зумда хабар бераётган Иноятовчи хабарчиларнинг оператив равишда ишлаётганлари, эътиборга лойиқ.

Бу, ҳукуматнинг турли поғоналарида ҳали ҳам “контора”нинг хабарчилар тармоғи яхши ишлаётганидан дарак беради, гарчи ҳукуматнинг юқори қатламлари Иноятовчилардан деярли тозаланиб бўлинди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
11.09.2017

Бу мақолани Арипов Бош вазир қилиб тайинланган 2016 йилнинг 12 декабрида ёзгандим аммо янги одамга шанс берайлик, эски гапларни эсламайлик деган андиша билан бу мақолани ғаладонга солиб қўйдим.

Аммо Бош вазир Абдулла Арипов ўз қудаси Алишер Хўжаевни МТРК га раис қилиб тайинлагани унга ва у тамсил қилган ҳукуматга нисбатан барча ишонч кредитларини йўққа чиқарди.

Демак, 1998 йил мен Урганчдаги «Эй Эл Си» телекомпаниясида бош муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Биз олган лицензиянинг муддати тугашига тўрт йил бор эди. Аммо, ўша йили Ўзбекистон ҳукумати барча мустақил ТВ лар қайтадан лицензия олсин деб қарор чиқарди.

Барча ҳужжатларни йиғиб, ўша пайтда Почта ва телекоммуникациялар агентлиги деб аталадиган Олой бозори ёнидаги бинога бордим.

Агентликнинг юридик хизмат бўлими бошлиғи ҳужжатлар таҳламининг устига “Эй Эл Си телекомпаниясининг ҳужжатлари қонунга зид эмас” деб ёзилган қоғозни ёпиштириб берди. Кейин менга юзланиб, «Бош бухгалтерга учранг» деди.

Бухгалтер мени яхши кутиб олди ва «Ариповни хурсанд қилмасангиз ишингиз битмайди», деди. Бухгалтер Хоразмдаги 8-нчи каналда ишлайдиган ТВ лицензиясини олиш учун Ариповга бериладиган совға лимитини белгилаб берди.

Бир қоп авангард навли Хоразм гуручи (50 кило) Футбол ўйнаганда кийиладиган бутси (NIKE брендли оригинал) ва 500 АҚШ доллари.

«Акс холда лицензиясиз ишлаган ҳар кунингиз учун санкция қўлласак, бундан ҳам кўпга тушасиз», деди дўстона оҳангда бухгалтер. Гап орасида, «пулни жума куни берсангиз,



Бош вазир Абдулла Арипов мендан пора талаб қилган

чунки шанбада Арипов Парижга учиб кетяпти командировкага» деб вазиятни аниқлаштирди.

Мен душанба кунги кечки учоқ билан Урганчга қайтдим. Нақд доллар йўқ эди, шу боис қора бозор курси билан 500 АҚШ доллари сотиб олса бўладиган сўмларни хўжалик сумкасига солдик.

Ёнимда бутси ва яна бир қоп гуруч. Аэропортдан такси олиб тўғри агентликка бордим. Кираверишдаги милиция турадиган жойдан бухгалтерга телефон қилдим. Хуллас, қўриқ хизматидаги милиция ходими билан гуруч тўлдирилган қопни қўтаришиб, тепа қаватга Ариповнинг хонасига чиқдик.

Арипов табассум билан мени кутиб олди. Қопни очиб, гуручни қўлига олиб кўрди. “Авангард гуруча точний?” деб саволомуз реплика ташлади. Бухгалтер бўлса, «мен кафилман» деб гап қотди. Навбат бутсига келди. Арипов бутсини яхшилаб у ёқ буёғини кўрди. Ҳақиқий экан, деб хулоса чиқариб қутига қайта солиб қўйди.

Навбат пулга келганида мен

унга сўм тўла хўжалик сумкасини тутқаздим. Бухгалтер бош чайқаб, бунини долларга алмаштириш керак деди. Хўшмуомала Арипов оталарча йўл кўрсатиб, Олой бозорида чимчи сотаётган корейс аёл адресини берди. “Ўша аёл ишончли, фақат йили эски бўлмасин” деди.

Чимчи сотадиган аёл бир сумка сўм эвазига беш дона юзталик долларни қўлимизга тутқазди. Яна агентликка қайтдик. Агентликдаги кабинетда Арипов кутиб ўтирган экан.

Ҳафсала билан пулни олиб силаб ҳам кўрди. Қалбаки бўлмасин дея. Кейин менга қўл бериб ишингизга омад деб муваффақият тилади.

Ташқарига чиқдим. Бир пасдан кейин бухгалтер орқамдан етиб келиб Арипов имзо чеккан лицензияни қўлимга тутқазди. 1998 йилнинг 8 октябрида берилган бу лицензия бир йил муддатга эди. “Бир йилдан кейин яна саломга келасиз, Хоразмни гуручига ўрганган одам бошқа гуручни ея олмайди” деди бухгалтер.

Бир йилдан кейин мен раҳбарлик қиладиган телеканал сайловлар арафасида сиёсий сабаблар боис ёпилди. Бу айри ҳикоя.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, бугун Ўзбекистон ҳукумати бошида турган одам Абдулла Ниғматович Арипов – порахўр ва таъмагирдир. Буни мен ҳар қандай маҳкамада гувоҳ сифатида айта оламан.

Қудрат Бобожон
Манба: Eltuz.com



“Эрк” демократик партиясининг лидери Муҳаммад Солиҳни Қирғизистон ва Ўзбекистон президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи муносабати билан суҳбатга тортдик. “Озодик” радиосининг қирғиз хизмати саволларига жавоб бераркан, сиёсатчи, Қирғизистон президенти сайлови Бишкек ва Тошкент муносабатларига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ҳам фикр билдирди. Муҳаммад Солиҳ билан журналист Санжар Эралиев суҳбатлашди.

– Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида жонлаётган алоқаларнинг келажаги ҳақида нима дея оласиз?

– Сўнги 25 йил ичида Ўзбекистоннинг алоқалари нафақат Қирғизистон, балки Урта Осиёдаги бошқа давлатлар билан ҳам жуда ёмонлашганди. Раҳбарлар учрашган пайтларида кучоқлашиб кўришгани ва самимий суҳбат қилишгани билан, сиёсий тажрибада Ўзбекистон президенти Ислом Каримов ўз билганидан қолмади. Ўзбекистонни қўшнилардан изоляция қилишга уринди ва қўшниларни киргизмади. Тиконли симлар қалинроқ ўралди, жанжал ва бир-бирига нафрат фақат кучайиб борди. Буни инқироз деб айтиш мумкин. Ундан чиқиш учун Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарига кучли ирода керак. Бундай иродани янги президент Шавкат Мирзиёев кўрсатади, дея умид қиламиз. Унинг Қирғизистонга ташрифи ўша чигал муаммоларни ҳал қилади деб ишоняпмиз. Инқироз бутун жабҳада бор, унинг ҳаммасини ҳал қилмоқ лозим. Бунга кучи етадими ёки йўқми, лекин ҳаракатни бугундан бошламоқ лозим, деб биламиз ва муваффақият тилаймиз.

– Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифи олдида берилган расмий маълумотларга кўра, асосан чегара муаммоларини



Муҳаммад Солиҳ: Мирзиёевнинг иқтисоддаги либерализми сиёсатга, ижтимоий ҳаётга ҳам кўчиши керак

ҳал қилишга эътибор қаратилмоқда. Ундан бошқа иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳам бор. Уларнинг ечим топиши яқинми ёки бу анча вақт талаб қиладимиз?

– Вақт талаб қилади, албатта. Лекин вақт ўзи келмайди, биз боришимиз керак. Масофани қисқартириш учун икки томоннинг сиёсий иродаси керак. Қирғизистонда президент сайлови бўлиши кутиломоқда. Қандай раҳбар келиши ва у ўзбек-қирғиз алоқасига қанчалик таъсир қилишини ҳозир айта олмаيمиз. Нима бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон тараф фақат чегара масаласига эътибор қилмасдан, юқорида айтганимдек, бутун жабҳаларда, иқтисодий интеграцияга ҳам кўнгил бурмоғи даркор.

– Сайлов ҳақида гапириб қолдингиз. 15 октябрда Қирғизистонда президент сайлови ўтади ва 1 декабрда Алмазбек Атамбаев ҳокимиятни бошқа одамга

топширади. Ўзбек ҳукуматида бу сайловга қизиқиш борми, нима деб ўйлайсиз. Тошкент кимни истайди? Атамбаевнинг давомчисини ёки фарқи йўқми?

– Менимча, ўзбек ҳукумати алоқаларни яхши олиб борувчи инсонни хоҳлайди. Шавкат Мирзиёев кимгадир симпатиясини билдириб, кимгадир антипатияда бўлади, деб ўйламаймиз. Ҳарқалай, ақлли инсон. Бошқа давлатнинг ички ишларига аралашмайди. Ким Урта Осиё давлатларининг интеграцияси тарафдори бўлса, ўша билан ҳамфикр бўлади.

– Агар Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг ички сиёсатини солиштирсак, умуман ўхшаш эмас. Бирида демократик ҳаракатлар кўпроқ бўлса, иккинчисида вазиятга мослашувчан сиёсат бор. Бундай ҳолатда икки давлат бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаши қанчалик реалликка яқин?

– Менимча, Шавкат Мирзиёев сўнги уч-тўрт ой мобайнида либерал қадамларни қўя бошлади. Айниқса иқтисодиётда. Лекин бу одимлар сиёсатда ҳам, жамиятни демократлаштириш борасида ҳам бўлиши керак. Бу муҳим, иқтисоддан ҳам муҳим. Каримовга бу борада 25 йил айтдик, лекин уқтира олмадик. У ўз айтганини қилди ва Ўзбекистоннинг демократия бўйича аҳволи бугун паст даражада. Мирзиёев бу ҳатоларни қилмайди деб ўйлаймиз. Бу хатоларга қарши сиёсат юритиши керак. Либераллашув иқтисоддагина эмас, сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам бўлиши лозим.

Манба: “Озодик” радиос



“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 4 сентябрдаги фармони билан 56 яшар Пўлат Раззоқович Бобожонов Ўзбекистон ички ишлар вазири этиб тайинланган.

Жорий йил бошидан бери Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида уч марта вазир алмашди. 2017 йилнинг 25 январига бу вазифани Ислом Каримов томонидан тайинланган Адхам Аҳмадбоев бажарган бўлса, Мирзиёев президентликка сайланганидан бир ойча ўтиб, бу лавозимга Абдусалом Азизов Ички ишлар вазири қилиб тайинланган эди.

Бу вазифани генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов 2006 йилнинг 5 январидан Зокиржон Алматов Ички ишлар вазири лавозимидан олинганидан бери бажариб келаётган эди.

Авторитар бошқарув услубига асосланган Ўзбекистон қаби давлат элитаси учун муҳим куч ишлар тизимларидан бири бўлган Ички ишлар вазирлигининг янги раҳбари ким, деган саволга Пўлат Бобожонови яқиндан билганлар кўмагида жавоб излаймиз.

Пўлат қандай тобланди?

Пўлат Бобожонов 1961 йил Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги энг нуфузли раҳбарларидан бири Раззоқ Бобожонов хонадонидан дунёга келган. Унинг онаси Энагул Машарипова Боғот район ижрокўми, отаси эса, компартия раҳбари бўлган.

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган ёши катта боғотликлар Пўлат Бобожонов ўқувчилик даврида туман кутубхонасидаги барча китобни бирагўла ўқиб ном чиқарганини эсга олишди.

Пировардида Бобожонов Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтига кириб, уни қизил диплом билан битиради.

Боғот туманида у билан бирга ишлаган Хоразм вилояти собиқ мулозимларидан бири Аҳмад Хоразмийнинг айтишича, Бобожонов ўша йили ҳуқуқшунослик институтини қизил дипломга битирган ягона студент бўлган:

– Мен Боғотда сельхозтехника бошлиғи бўлган пайтимда Пўлатбек туман ҳокими муовини эди. Бирга ишлаганман. Бу кишининг отаси Раззоқ ака билан ҳам бирга ишлаганман.

Агар “немис” тўғрилиқ рамзи эса, майли “немис” бўлсин!

Пўлатбек кейин Хоразм вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимида ишлаган даврини ҳам яхши биламан. Пўлатбекни ўз соҳасини чуқур биладиган қатъиятли раҳбар сифатида танидим. Мен сельхозхимия бошлиғи бўлганда унинг отаси Раззоқ ака менинг муовиним бўлган. Ўша пайтдаги мулозимлар ўз фарзандларини таниш-билиш қилиб ўқишга киритгани бор гап. Лекин Пўлатбек ўз кучи билан ўқишга кириб, уни қизил дипломга битирди. Бу муваффақиятга Пўлатбек отасининг аралашувисиз ўз тиришқоқлиги билан эришди, дейди суҳбатдош.

Мурасасиз “немис” сотилмайдиган “ўрис”

Ўзбекистон ҳукуматидаги кадр ўзгаришларидан хабардор мулозимнинг айтишича, Пўлат Бобожонов прокуратура ходимлари орасида “Честный ўрис ва мурасасиз немис” дея лақаб олган санокли кишилардан биридир:

– Бобожонов 2005—2006 йилларда Бош прокуратуранинг Солиқ ва валюта жиноятларига қарши курашиш департаменти бошлиғи, 2000—2005 йилларда эса Ўзбекистон бош прокурори ўринбосари бўлганида “Честный ўрис ва мурасасиз немис” деган лақаб тақилди унга. Бу дегани, пора олмайди, деганидир. Қонунни ушлаб, гапидан қайтмай тураверарди. Бухоро ва Жиззахда вилоят прокурори бўлган пайтида ҳам масалаларни порасиз ҳал қиладиган ноёб мулозим дея номи чикди, дейди суҳбатдош.

Таниқли журналист Шароф Убайдуллаевнинг эслашича, Пўлат Бобожонов 2006—2011 йилларда Жиззах вилояти прокурори бўлиб ишлаган пайтида бирорта коррупцион схемаларга алоқадорлиги ҳақида гап чиқмаган:

– Жиззахда ишлаган даврида Бобожонов одамлар орасида яхши обрў қозонди. Таъмагирлик ёки рейдерлик қилгани ҳақида гап-сўз чиқмади. Бугунгача Ички ишлар вазири бўлган Абдусалом Азизов ўша пайтда Жиззах ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган. Жиззахда яхши ном чиқарганлар бугун

Мирзиёев командасига олинмоқда, дейди суҳбатдош.

Ғиждувонлик тадбиркорни “прокурор зулмидан” қутқарган прокурор

Пўлат Бобожонов 2011 йилда Бухоро вилояти прокурори бўлиб ишлаган даврида “муаммони адолатли” ҳал қиладиган мулозим сифатида эса қолди, дейди бухоролик тадбиркор:

– Ғиждувон туман прокурори тумандаги икки иши юришган тадбиркор ака-укалардан ўлпон талаб қилади. Ўлпон унмаганидан кейин прокурор улардан қасос олиб бир акани қаматади, укани эса йирик жаримага тортади. Кўп ўтмай Бобожонов Бухоро вилоятига прокурор бўлиб келади ва ака-укалар адвокати унга арз қилади. Бобожонов бу муаммони ўрганиб, қайта терговга юборади. Оқибатда ака қамокдан, ука эса жаримадан қутулди. Адолат қарор топиб, қасоскор туман прокурори бошқа ишга ўтиб кетиб қутулиб қолди. Бобожоновнинг бирор тадбиркорга ўлпон солганини, зулм қилганини мен билмайман, дейди суҳбатдош.

Мирзиёев ИИВни коррупциядан қутқармоқчи

Нега Ўзбекистон президенти бор йўғи 9 ой ишлаган Абдусалом Азизовни Мудофаа вазири қилиб тайинлаб, ўрнига Бобожонови тайинлади?

Ўзбекистон ҳукуматидаги кадр ўзгаришларидан хабардор мулозимнинг айтишича, бундан мақсад ИИВни коррупциядан қутқаришдир:

– ИИВ тизими энг коррупциялашган вазирлик сифатида мамлакат президентининг хавотирига сабаб бўлгани Мирзиёевнинг селектор мажлисларидаги гап-сўзлардан маълум. Бу соҳадаги коррупцияни минимумга тушириш мақсадида кадр ўзгариши қилинди. Иккинчидан, бугунги вазият бу вазирлик тепасида президентга энг содиқ одам туришини тақозо қилади. Бобожонов узоқ йиллар давомида Мирзиёев командасидаги содиқ одам сифатида қолмоқда, дейди суҳбатдош.

Миннатдорик муждаси

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил бошида олимлар билан учрашган пайтида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

академик Саъдулла Искандаровни устозим дея миннатдорлик билан эслади. Журналист Шароф Убайдуллаевга кўра, Тошкент Ирригация институтида ректор бўлиб ишлаган пайтида Саъдулла

Искандаров бўлгуси президентни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келган:

– Шавкат Миромонович студент пайтидан академик Саъдулла Искандаров назарига тушди. Комсорг, парторг каби лавозимларга тавсия қилинди.

Саъдулла Искандаров СССРдаги легендарний қахрамон раис Искандар Дўстовнинг ўғлидир. Пўлат Бобожоновнинг отаси Раззоқ Бобожонов эса Искандар Дўстовнинг энг яқин шогирди эди, дея эслади таникли журналист.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ошйекратия домидаги Ошхўристон

Бундан 7 йилларга Германиялик бир туристни Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивага машинада олиб борганман. Бир ҳафтадан кейин олмониялик сайёҳ тўсатдан: “Ўзбекистон халқи овқатсевар халқ экан”, – деб қолди ва дарров изоҳ берди. “Юртингизнинг ҳар қадамида ичи мижозга тўла кафелар борлиги у ерда пиширилаётган таомларга эҳтиёж кучлилигини ва ерли миллат овқатга ўчилигини англатади”, – деди.

“Бунинг нимаси ёмон?” – деб сўраганимда турист: “Овқатга ўч одамлар кўпинча уйкуга мойил, тўғри фикрлашдан узоқ кишилар бўлиб, ўлимдан қўрқадиган бўлишади” – деди. Бироз сукутдан сўнг у кўзларимга қараб туриб: “Ўлимдан қўрқадиганлар эса ҳамиша курашдан ҳам қўрқишади” – деди.

Устимдан совуқ сув сепилгандек бўлди. Йиллар давомида жавобини тополмаган бир жумбоқни ечгандай бўлдим. “Нега бу аҳоли бунчалик қўрқок? Нега бошқа бир миллатдоши ёки диндошининг ҳуқуқлари у ёқда турсин, ҳаттоки ўзининг ва фарзандларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан, бу йўлда курашишдан қўрқади?” – деган саволга жавоб олгандай бўлдим.

Бир европалик бир ҳафтада қандай миллат эканимизни дарров иллаган.

Ошхўрларни ёмон кўраман. Ўзлари пиширган паловни соатлаб мақтайдиган эркакларни кўришга кўзим йўқ. “Вой, ошшшшшши сабзисини майийийийийийийийда қилиб, пиёзларини юююююююююююююпқа қилиб тўғраб-чи...” – деб гап бошлашлари билан уларнинг юзларига тупургим келади.

Қориндан бошқа ғами йўқлар овқатни, айниқса, ошни

илоҳийлаштириб юборишган. Қўйиб берсанг, улар палов солинган қора қозонга сиғинишади ҳам.

Тўйларда қозонга гўшт солиниши билан ўчоқ атрофида тўпланадиган овқатхўрларни эсланг. Ҳар бири чала пишган гўштдан кўпроқ ейиш илинжида, ошнинг қопқоғи очилиши билан тўй дастурхонига эмас, уйига ош чиқариш пайида юрган оломон, олмониялик турист айтганидек, албатта, яшашга ўч бир қавм, ўлимдан ва курашдан қўрқадиган бир тўда бўлади холос.

Шулар сохта айбловлар билан қамалган фарзанди учун кўчага чиқармиди? Ноҳақ қамалган фарзандига: “Айтдим-ку сенга: “Сиёсатга аралашма, намоз ўқима!” – деб!” – деса дейдики, золимнинг золимлигини очик айта олмайди.

Ноҳақ қамалган фарзандини “Жаслик”қа бориб кўрган ошхўрлардан бири Қорақалпоғистондан қайтишда Самарқандда тўхтаб, намозхонларни қаматиш сиёсатини амалга оширган золимнинг қабрини зиёрат қилди. Золимнинг жаннатга тушиши учун дуо ҳам қилиб, кўз ёш ҳам тўккан.

Ўша ошхўрнинг бош чаноғи миядан эмас, гуруч ва сабзидан иборат, чамамда.

Бундай манкуртларга на коммунизм, на демократия, на Ислом ва на шариат керак: қайси тузум жорий қилинса, бир дўниб коммунист ҳам, демократ ҳам, шариатчи ҳам бўлиб яшайверишади. Улар учун ош бўлса, бас.

Бугун уларнинг байрами... Чунки уларнинг ошпазлари палов пишириш бўйича жаҳон рекордини ўрнатишди.

Гиннеслар рекорди муборак, ошйекратия домидаги Ошхўристон!

Бобомурод АБДУЛЛА
08.09.2017

2017 йилнинг 8 сентябр куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) сайтида эълон қилинган аноним муаллиф Усмон Ҳақназаровнинг “Ўзбекистон президентига қарши режалаштирилган Бишкек суиқастининг муваффақиятсизликка учрагани ҳақида” ги мақоласи Қирғизистон

Усмон Ҳақназаровнинг Бишкекда Президент Мирзиёевга суиқасд уюштиришга уриниш ҳақидаги мақоласи қирғиз ва турк матбуотида

ва Туркия матбуотида кенг муҳокама қилинди. (<http://www.yenisafak.com/dunya/ozbek-liderkirgizistandaolumden-dondu-2792596>, <http://catoday.org/centrasia/usman-haknazarov-general-snb-gotovili-pokushenie-na-prezidenta-mirziyaeva-v-bishkeke>, http://vesti.kg/index.php?option=com_k2&view=item&id=47707:ktomog-organizovat-pokushenie-na-prezidenta-uzbekistana-v-bishkeke?&Itemid=83, <http://barometr.kg/ru/content/6128>)

Мақолада муаллиф, Ўзбекистон махсус хизматларининг баъзи мансабдор шахслари ўзларининг баъзи қирғиз ҳамкасблари билан шерикликда, яқинда Бишкекка қилган сафари чоғида президент Мирзиёевга суиқасд уюштиришни режалаштиришгани ҳақида ёзган эди.

Мақола эълон қилиниши ортидан, 8 сентябр куни Қирғизистон Республикаси ҳукумати мамлакат ҳудудида ЎХХ сайтига киришни блоклаб қўйди. Бу ҳақда интернет саҳифанинг Қирғизистон ҳудудида яшовчи доимий ўқувчилари хабар берган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, 1992 йилдан 2010 йилгача Ўзбекистондаги Mir Store супермаркетлар тармоғи, Grand Mir меҳмонхонаси мулкдори бўлган Demir Holdings раҳбари, Мирзиёев ҳукумати билан музокаралардан сўнг, Тошкентга қайтиб, янгидан бизнес бошламоқда.

16 сентябрь куни Тошкентда туркиялик тадбиркор Ахмет Демир “Муваффақият



Ахмат Демир “Чорсу”ни олди, Воҳид Гунеш эса “қуруқ” қолди

ҳикояси” деб номланган бизнес семинар ўтказди.

Айни пайтда, 2003 йилдан 2011 йилга қадар Тошкентда иш юритган Turkuaz супермаркетлар тармоғи эгаси Воҳид Гунеш, янги ҳукумат билан ўз даъвоси юзасидан келиша олмагани боис тортишув юзасидан ажрим чиқариш Париждаги халқаро арбитраж судига қолганини айтади.

“Муваффақият ҳикояси”

16 сентябрь куни Тошкентдаги Alpha Education бизнес мактабидан туркиялик тадбиркор, Demir Holdings бошқаруви раиси Ахмет Демир “Муваффақият ҳикояси” деб номланган маърузасини тақдим этади.

50 нафар маҳаллий бизнесмен таклиф этилиши айтилаётган бу тадбирда Ахмат Демир, маърузасидан англанишича, Ўзбекистондаги ўз фаолиятини “муваффақият” намунаси сифатида тақдим этади.

Мустақил Ўзбекистонда иш бошлаган илк турк ширкатларидан саналувчи Demir Holding 1992 йилда Тошкентда офис очган ва кўп ўтмай савдодан бошланган фаолиятини тўқимачилик, қурилиш ва туризм соҳасига кенгайтириб, йирик бизнес империясини яратган эди.

1995 йилда Тошкент марказида Demir супермаркетининг очилиши катта воқеа бўлганди.

МХХ бош қароргоҳи (Сайилгоҳ кўчаси) ёнгинасида жойлашган бу супермаркет тез орада ўз пештахталарида сотилган сут, мева шарбатидан то совунга қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди.

Турк магбуотининг ёзишича,

Demir 7 мингга яқин одамни иш билан таъминлаган йирик ҳолдингга айланган эди.

Аммо, кейинчалик Mir Store бўлиб номланган супермаркетлар 2010 йил охирида назорат тизимлари текшируви баҳонасида ёпилиб, Demir қайта очилмаган, унинг эгаси, Ўзбекистондан чиқиб кетган эди.

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг турк сармоясини мамлакатга қайта жалб қилиш уриниши доирасида Ўзбекистонда бизнес қилиб, турли таййик ва босим ортидан уни ташлаб кетишга мажбур бўлган туркиялик сармоядорлар билан музокаралар бошланди.

Ана шу жараёнда, шахсан президент ташаббуси билан Тошкентга таклиф этилиб, мулк можаросини ҳал этиш юзасидан сўзлашув олиб борилганлар орасида Ахмат Демир ҳам бўлди.

“Озодлик” радиосига маълум бўлишича, Тошкент расмийлари билан музокаралар давомида Ахмат Демир мурасага эришган: Турк ишбилармонига Тошкент марказида йиллардан бери бўш ётган “Чорсу” меҳмонхонаси инвестицион шартлар ва солиқ имтиёзлари билан текинга берилган.

Шу билан бирга Ахмат Демирнинг Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тизимини яратишга оид бизнес режаси қабул қилинган. 16 сентябрь куни Ахмат Демирнинг Мирзиёев ҳокимиятга келгандан бери сармоя иқлимининг яхшилангани, турк бизнесининг Ўзбекистондаги муаммолари ўтмишда қолгани ҳақида гапириши кутилмоқда.

“Муваффақиятсизлик ҳикояси”

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентга таклиф қилинган турк тадбиркорлари орасида 2003 йилда Ўзбекистонда фаолият бошлаб, 2011 йилда оғир иқтисодий жиноятларда айбланиши ортидан мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган Güneş Tekstil ширкати эгаси Воҳид Гунеш ҳам бор эди.

Воҳид Гунеш 70

миллион долларлик сармоясини ташлаб чиқишга мажбур бўлганини иддао қилади.

Тадбиркорнинг 7 сентябрь куни “Озодлик” радиосига айтишича, Ахмат Демирдан фарқли унинг Тошкент ҳукумати билан музокаралари натижасиз тугаган:

– 2013 йилда Халқаро арбитраж судига менга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун Ўзбекистон ҳукуматидан 250 миллион доллар ундиришни сўраб ариза берганман. 20 декабрь куни суднинг ажрим чиқариши кутилмоқда. Ўзбекистонда ташлаб чиққан бизнесим нархи – 70 миллион доллар, – дейди Воҳид Гунеш.

Тадбиркорнинг илова қилишича, можарони судсиз ҳал қилиш уринишлари натижа бермаган.

– Уларга можарони мировой билан, яъни судсиз ҳал қилайлик, менга фақат ўзимнинг бизнесимни, мол-мулкимни беринглар, даъвоимни қайтариб оламан дедим. Улар, Turkuaz (Тошкент марказидаги эски ГУМ биноси -таҳр.) биносини қайтиб берамиз, лекин қолган мулкнингиз сотилиб ектган, қайта олмаймиз, дейишди. Хўп, Turkuaz нархини 30 миллион долларга баҳолаб, уни чегириб ташлайлик, қолганининг пули беринглар, дедим. Пул йўқ, дейишди. Хўп, унда нима берасизлар, десам, нархи 300-400 минг доллрлик жойларни таклиф қилишди, Жиззахда янгидан текстил фабрика қуриш, дейишди. Мен бунга кўнмадим, ва 40 миллион эвазига Тошкентдаги эски Meredian ва Sheraton отелларини ҳар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бирини 20 миллиондан ҳисоблаб беринглар, можарони ёпамиз дедим. Бу меҳмонхоналар НБУга, яъни давлатга қарашли. Улар буни президентдан сўраймиз, дейишди ва орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, йўқ, деб жавоб беришди. Йўқ бўлса, йўқ, унда Париж маҳкамасида гаплашамиз, дедим, шу билан орамиз узилди, – дейди Воҳид Гунеш.

“Мен витринага ярамадим”

Воҳид Гунеш таъкидича, Ўзбекистон ҳукумати туркиялик эҳтимолӣ сармоядорларга Ўзбекистонда турк сармояси учун ҳеч қандай муаммо йўқ, эскилари ҳал этилди, деган мужда бериш мақсадида ўзи ва Демир билан музокара бошлаган.

Бу сўзлашувларда улар таклифига кўнган Демир билан келишиб, уни “витрина учун муваффақият симболи”га айлантиришган, мол-мулкни охиригача сўрагани учун ўзини четга суриб қўйишган.

– Мен Демирдан фарқли, Ўзбекистонга ўз миллионларимни олиб кириб, улардан айрилиб чиққан тadbиркорман. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонга бир тийин ҳам сармоя киритмоқчи эмасман. Туркларда ҳам ўзбеклардаги каби “сутдан куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади” деган мақол бор. Ҳукуматга ишонч йўқ, – дейди Воҳид Гунеш.

У Turkuaзни қайтадан замонавий савдо марказига айлантириш учун камида 10 миллион доллар сарфлаши кераклигини айтади.

– Зотан бу жойни хароб қилишган. Бунча пулни катта риск қилиш учун ахлоқ бўлиш керак. Менинг режам, Ўзбекистонда мендан тортиб олинган мол-мулк ва пулларим эвазига ишлаб турган объектни беришса, уни юрғизиб, даромадини Turkuaзга ишлатиб, Ўзбекистондаги бизнесимни секин-аста ривожлантириш. Улар бунга кўнмади, энди Париж суди қарори менинг фойдамга ҳал бўлса, зотан шундай эҳтимол катта, ҳукумат камида 100 миллион доллар тўлашга ҳукм қилинади, – дейди Воҳид Гунеш.

Унга кўра, даъво аризасини қайтиб олиши учун Тошкентда яна 40 кунча вақт.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ташқи ишлар вазирлигининг ватандошлар билан «тўғридан-тўғри» мулоқоти яқунларини амалга ошириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Президентининг 12 сентябрдаги фармойиши билан Ташқи ишлар вазирлигининг ватандошлар билан «тўғридан-тўғри» мулоқоти яқунларини амалга ошириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳини ташкил этилган.

5 июль куни вазир, шунингдек Ўзбекистоннинг хориждаги барча муассасалари ва ТИВнинг ҳудудий ваколатхоналари раҳбарлари иштирокида жонли мулоқот жонли мулоқот бўлиб ўтган эди. Вазирлик, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига ўнлаб мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатлар фуқаролик, йўқолган ҳужжатларни тиклаш, яқин ва қариндошларни қидириш, мураккаб ҳаётӣ вазиятларга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатиш каби муаммоларга алоқадор эди.

Фуқароларни энг кўп қийнаётган масалалардан бири – хорижга чиқиш учун стикер Президентнинг 16 августдаги фармони билан 2019 йил 1

январдан бекор қилиниб, хорижга чиқиш учун паспорт жорий этилади.

Жонли мулоқот натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, фуқароларни қийнаётган барча муаммолар ҳам ташқи сиёсат маҳкамаси ваколатларига кирмайди. Ўзбекистонга қайтиш учун гувоҳномани расмийлаштириш, эски намунадаги ёки муддати ўтган паспортларни алмаштириш, фуқароликдан чиқиш, фуқароликни олиш ва бошқалар шулар жумласидан.

Маҳкамалараро ишчи гуруҳи доимий асосда фаолият кўрсатиб, фуқароларнинг консуллик-ҳуқуқӣ масалалар бўйича мурожаатларини вазирлик ва маҳкамаларни жалб этган ҳолда ҳар томонлама ўрганади ва уларни ўз вақтида объектив ҳал этиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чораларни кўради.

ЎХХ хабарлар бўлими

Тошкент шаҳар тергов изоляторида (“Тоштурма”да) ушланаётган Гулнора Каримова, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовга қарши кўрсатма берди. Каримова ўз кўрсатмасида 2004 йилда Ўзбекистондан 8 тонна олтиннинг



Арслон Рўзмутовга тўнкаган.

“Исломо ака, бу (хабарни етказиш – У.Х.) сиз ва мендан жуда ҳам хафа бўлган Арслон Рўзметовнинг иши”, деб қасам ичди Иноятов отамнинг олдидаги муҳокамада”, деган Г.Каримова.

“Арслон Рўзметович бу иш

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА РУСТАМ ИНОЯТОВГА ҚАРШИ КЎРСАТМА БЕРДИ

ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилиши тафсилотлари ҳақида сўзлаб берган. Шундай қилиб...

Ўзбек ҳаво йўлларига тегишли “олтин” самолётнинг Қозонда ҳибсга олинishi

Гулнора Каримова терговчиларга, 8 тонна олтиннинг ўзбек ҳаво йўлларига тегишли ўк ташувчи самолётига Навоё шаҳрида юкланганлигини айтган. Г. Каримовнинг айтишича, олтин у ерга унга тегишли “Zeromax” ва “United International Group” компаниялари томонидан ишлаб чиқилган Зарафшон, Гужумсой ва бошқа олтин қазиб чиқариш манбаларидан олиб келинган.

“Самолёт “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”дан ижарага олинган эди. Аввал биз буни (олтин олиб чиқишни – У.Х.) кичик-кичик ҳажмда амалга оширар эдик. Аммо 2004 йилда МХХ раиси Рустам Иноятов мени бирданига 9-10 тонна олиб чиқишга кўндирди ва олтиннинг Швейцариянинг “UBS” банкига муваффақиятли етиб боришини шахсан ўзи назорат қилишга сўз берди”, деган Г.Каримова.

Аммо кейин, “олтин” самолёт Россия Федерацияси ҳудудига учиб киргач, МХХ раиси Рустам Иноятовнинг буйриғига кўра ўзбек махсус хизматларининг республика бўлими “Ўзбекистон давлат олтинини ўғирланганлиги ва ноқонуний равишда Россия Федерацияси орқали Европа Иттифоқи мамлакатларига олиб чиқиб кетилаётгани ҳақида” Россия Федерал Хавфсизлик хизматига хабар жўнатган.

Бу хабарда ўзбек “контора”си Россия Федерал Хавфсизлик хизматидан ўзбек ҳаво йўлларига тегишли самолётни Россия аэропортларидан бирига мажбурий равишда кўндиришни ва олиб чиқиб кетилган олтинни ҳибсга олишни сўраган. Аммо Россия

томони давлат раҳбари, яъни Исломо Каримовнинг тасдиғини ва рухсатини талаб қилган.

Рустам Иноятов, иш кунининг жуда ҳам бандлиги сабабли Ўзбекистон президенти билан боғлана олмаётганлигини айтган. Шу куни ўзбек махсус хизматларининг раҳбари Кремлдан Исломо Каримов қабулхонасига қилинган барча кўнғироқларни блоклаб қўйган. Ва Москва “контора”ни биринчи шахснинг тасдиғи ва рухсати борасида шошилтира бошлагач, давлат раҳбарига хабарни кейин етказишини айтиб, Рустам Иноятов барча жавобгарликни ўз бўйнига олган ва Исломо Каримов ўрнига ўзи рухсат берган.

Россия қирувчи самолётлари ўзбек ҳаво йўлларининг “олтин” самолётини Қозон шаҳри аэропортига қўнишга мажбур қилишган. Тергов бошлангач, самолёт ижарачиси, Исломо Каримовнинг катта қизига тегишли бўлган, “Zeromax” компанияси эканлиги ва самолётни кўздан кечириш вақтида олтинларнинг расмий юк сифатида кўрсатилган пахта толаларига ўралганлиги аниқланган.

“Россияликлар олтинларни ҳибсга олиш тўғрисидаги илтимос Иноятовдан келганини дарҳол айтишди. Мен Рустам Иноятовнинг безбетлигидан ҳайратда қолдим. Мен отамга бу ишни қилишга мени айнан Иноятов кўндирганини, ҳамда айнан у бизни сотганини айтдим. Аммо отам негадир менга эмас, балки унга кўпроқ ишонди”, деди Г.Каримова.

Г.Каримованинг сўзларига кўра, Рустам Иноятов ўзининг сотқинлигини тан олмаган ва барча айбни ўзбек ҳаво йўлларидан 2002 йилда ишдан бўшатишга ва 2004 йилда Москванинг “Внукова” аэропорти директори лавозимида ишлаётган “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”нинг собиқ раҳбари

ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. Аммо Иноятов отамни (Исломо Каримовни – У.Х.), гўёки сирни рус махсус хизматларига айнан Рўзметов очганига ишонтира олди”, дея таъкидлаган Г. Каримова.

Арслон Рўзметов ўзбек Бош прокуратураси сўровномасига кўра (унга нисбатан жиноий иш қўзғатилгани муносабати билан) 2007 йилда Ўзбекистонга экстрадиция қилинган эди. У озодликдан маҳрум қилиниб, шахсан Рустам Иноятовнинг буйруғи билан 2008 йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 сонли ҳибсга олинганлар учун мўлжалланган шифохонанинг даволаш бўлимида ўлдирилган.

Бундан ташқари, Гулнора Каримова ўзбек тарговчиларига, Рустам Иноятов “Ўзбек Ҳаво Йўллари” компаниясини ўз кўлига олиб, ўз бизнес империяси тадбиркорлари, ҳамда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг барча юқори мартабали офицерларига ўзбек ҳаво йўлларини ўзига хос яшил божхона йўлагига айлантирганини айтган.

Ҳозирда Гулнора Каримова ўз жиноятларини тан олиш билан бир қаторда, Иноятов жиноятларини ҳам фош қилишда давом этмоқда. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Энди ўзбек махсус хизматлари раҳбарига қарши МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломовнинг кўрсатмаларига Исломо Каримовнинг катта қизи берган кўрсатмаларни ҳам қўшиш мумкин. Тез орада ўзбек терговчилари Рустам Иноятов ва унинг яқинларининг жиноятлари ҳақидаги кўп жилдли ҳужжатларга эга бўлади.

Усмоно ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
12.09.2017



“Эрк” фаоли Фуломжон Холматов вафот этди

Би-Би-Си ўзбек радиосининг хабар беришча, Мухолифатдаги “Эрк” демократик партиясининг Наманган вилоят бўлими раиси Фуломжон Холматов 82 ёшида оламдан ўтган. Яқинларига кўра, ветеран мухолифатчи яқинда

Туркияда муолажа олиб кайтганди. Фуломжон Холматов мухолифатга алоқадорлиги боис узок йиллар мобайнида хорижга сафар кила олмаган, аммо ўтган йили илк бор ўзбек расмийлари унинг четга чиқишига рухсат

беришганди. Фуломжон Холматов Кўконда таваллуд топган.

Турли йилларда Самарқанд Қооператив институти, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбек совет энциклопедияси тахририяти ва Наманган давлат университетларида фаолият олиб борган.

География фанлари номзоди.

“Эрк” партияси ташкил этилганидан бошлаб, унинг Наманган вилоят бўлимига раҳбарлик қилган. Мухолифатдаги фаолияти боис 1993 йилда ишдан бўшатилган.

2005 йилда милиция “наша ўстирган ва сақлаган” деган айб билан 70 ёшли Фуломжон Холматовга жиноят иши очган ва маҳкама уни шартли жазога маҳкум этганди.

Сафдошлари унга қарши айблар ортида сиесий сабаблар турганини айтишган.

“Эрк” демократик партияси ва ЎХХ тахририят мархумнинг яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

ЎХХ тахририяти

Қирғизистон ва Қозоғистон бу хусусдаги хавотирларини расман – ўз ташқи ишлар вазирлиги даражасида изҳор этишган. Мяньюмардаги маҳаллий мусулмон озчилигига қарши зўравонликлардан “жиддий ташвишда” эканликларини билдиришган.

Қозоғистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мавжуд вазиятга аралаштириш, ўзининг қатъий мавқеини намойён этишга чақирган.

Қозоғистон Ташқи ишлар вазири “Мяньюмардаги воқеалар – салбий тус олиб бораётган исломофобиянинг бир кўриниши экани”ни айтган.

Қозоғистон Парламенти Сенати раиси Қосимжомарт Токаевнинг айтишича эса, “БМТ Мяньюмардаги воқеаларнинг хавотирли ривож юзасидан ўзининг қатъий мавқеини намойён этиши лозим”.

Унга кўра, “Мяньюмарда кўплаб бегуноҳ мусулмонлар қатагонларнинг қурбонига айланишмоқда”.

Қосимжомарт Токаевнинг бу сўзларидан “Tengrinews.kz” хусусий интернет нашри иқтибос келтирган.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги эса, Мяньюмар инқирозидан иштироки бўлган барча томонларни “тинч йўл билан мавжуд можарога барҳам бериш”га ундаган.

Қирғизистон Бош вазири эса, “террорчилик, диний нафрат заминидаги зўравонликлар ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш учун” ўз мамлакатини

Марказий Осиё Мяньюмар инқирозидан ‘хавотирда’

миллий терма жамоасининг 5 сентябрь куни Мяньюмарга қарши режаланган футбол учрашувини ҳам бекор қилган.

Мяньюмардаги зўравонликлар вазирлиги ҳам кескин баёнот билан чиққан, у ердаги ҳодисаларни “қатлиом”га тенглаштирган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини бир четда қўл қовуштириб, қараб турмасликка чақирган.

Ўзбекистон дохил қолган минтақа давлатларининг Мяньюмардаги ҳодисаларга расмий муносабатлари ҳозирча кузатилмаган.

Аммо айни мавзу шу кунларда барча йирик ижтимоий мулоқот тармоқларида ўзбекистонлик аксарият интернет фойдаланувчилари орасида қизгин баҳсу мунозаралар марказига айланган.

Айрим ўзбекистонликлар Мяньюмардаги мусулмонлар ва уларнинг бугунги кечмишларига бағишлаб, шеърлар ёзишгача боришган.

Сўнги танглик

Мяньюмардаги сўнги танглик “Аракан рохингаларини қутқариш армияси”нинг 25 август кунги

ҳужумлари ортидан бўй кўрсатгани иддао қилинади.

Хабарларга кўра, бу гуруҳ бир қанча полиция постлари ва Мяньюмар Қуролли кучларининг базасини нишонга олишади.

Узуро жангларда 12 нафар ҳукумат ҳарбийси ва саксонга яқин исёнчи ҳалок бўлади.

Аён бўлишича, бунинг ортидан Мяньюмар ҳарбийлари ўзларининг аксилтеррор амалиётларини бошлашади.

“Рейтер” ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган бир ҳафта давомида ҳукумат кучлари ва рохинга жангарилари ўртасидаги туқнашувларда қурбон бўлганларнинг сони қарийб 400 кишига етади.

Қурбонлардан аксариятининг мусулмон рохинга жангарилари эканликлари айтилади.

Хабарларга кўра, сўнги зўравонликлар боис, Мяньюмарни ташлаб чиққан ва ташлаб чиқиш ҳаракатида бўлган маҳаллий мусулмонларнинг сони қарийб 90 минг кишига етган.

Орада уларнинг кўплаб уй-жойларига ўт қўйилганига оид хабарлар ҳам олинган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мяньмардаги бу каби зўравонликлар Россия ва Чеченистонда йирик оммавий норозилик намойишларига ҳам сабаб бўлган.

Собиқ Шўро давлатлари раҳбарлари орасидан биринчи бўлиб Мяньмардаги ҳодисалар юзасидан

кескин баёнот билан чиққани эса, Чеченистон Президенти Рамзан Қодиров бўлган.

Рамзан Қодиров рохинга муслмонлари учун Россияга қарши чиқишга ҳам тайёр эканини баён қилди.

Мяньмардаги муслмонларнинг сони бугунги кунда 1.5 миллион кишини ташкил этиши айтилади.

Тарихий манбаларга кўра, бу муслмонлар 19-асрнинг охирида британ мустамлакачилари томонидан Бангладешдан Мяньмарга кўчириб ўтказилган.

Аммо улар Мяньмарда ҳали-ҳануз ноқонуний муҳожирлар саналишади ва аксариятининг расман фуқаролиги ҳам йўқ.

Манба: Би-би-си Ўзбек



Биз соғларга Ўзинг инсоф бер!

Мен яшаб турган маҳалладаги мачитга ақли-хушини йўқотган бир киши намозларга чиқиб туради.

Билмаганлар кўринишидан уни тентак демайди. Кўзи аланг-жаланг қилиб туришини демасангиз, чиройли, тоза кийинади. Йиғиштирилиб жилдига солинган қора шамсиясини қишин-ёзин қўлдан қўймай кўтариб юради.

Беш маҳал демайман-у, аммо кўп намозда кўраман. Имом ҳам, бошқалар ҳам унга парво қилмайди.

Жамоатга такбир туширила бошлаганида сафга бориб туриб олади.

Илк паллалари: “Оббо, ўртага туриб олишини қаранг. Намоз унга фарз бўлмаса, унинг устига, бақириб ҳар хил товушлар чиқариб туради, сафни бузмасдан бир чеккада ўқиса бўлмасмикан”, деган ўй ўтарди хаёлимдан.

Кейин эътибор қилсам, у ўртада қолиб кетмаскан. Такбир тугагунича орқасига қараб, сафга келаётганларни қўли билан ўрнига чорлаб, турғазиб, ўзи четроққа ўтиб оларкан. Ҳатто намоз бошланганидан кейин ҳам кимдир мачитга киргани шарпасини билиб

қолса, дарров янги киргани сафга олиб, ўзи четга чиқиб олади. Кеч қолганимда, масалан, бир-икки марта менга шундай қилди.

Намоздан кейин шамсиясини қўлига олади-да, индамай чиқиб кетади.

Ажойиб! Ўзининг ҳолини биларкан! Соғлар сафи бузилмасин, намози тўқис бўлсин, деркан.

Кейин-кейин унга атай қарайдиган бўлдим ва бу иши мунтазам эканини билдим.

Эй Оллоҳ, шу тентагинг ҳам ўз ҳолини, одамлар орасида ўз ўрнини билипти!

Биз соғларга Ўзинг инсоф бер!

Кўп соғлар шу тентакчалик эмасмиз. Ўз ҳолимизни, ўз ўрнимизни билмаймиз.

Каттани катта демаймиз, биладиган одамни билади демаймиз.

Ақлимиз етса-етмаса ҳамма гапга тилимизни, муносиб бўлсак-бўлмасак ҳамма жойга бурнимизни суқаверамиз.

Ўйлаб қоламан: тентак уми, бизми? Соғ бизми, уми?

(“Нафсимга ўғитлар” туркумидан.)

Nurulloh Muhammad Raufxon
facebook.com

ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ КАСАЛХОНАГА ТУШДИ

Бугун 15 сентябр Тошкентда кундуз соат 11 лар атрофида Р.Иноятовнинг соғлиги ёмонлашганлиги ҳақида гап-сўз тарқалган.

Манбаларимиздан бири бизга МХХ раисининг инсультни бошдан кечириб, ҳушсиз ётганини билдирди. Иккинчи манба МХХ раисининг **з а ҳ а р л а н г а н и н и** айтмоқда.

Айни манбанинг билдиришига кўра, бугун Тошкент вақти билан соат 20:00 да МХХ Марказий Аппаратида бошқарма бошлиқлари иштирокида шошилиш йиғилиш ўтказилмоқда.

Йиғилишнинг нима ҳақида эканлиги ва уни ким ўтказаяётганлиги борасида аниқ маълумот йўқ.

Бироқ, МХХ раиси соғлиғининг жиддий ёмонлашгани ҳақидаги хабарлар ортидан бундай шошилиш йиғилишнинг ўтказилиши воқеалар ўртасидаги алоқадорликка ишорат қилмоқда.

УХХ хабарлар бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов